

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакесва Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доцент*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Сайнова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доцент,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

23. Berdiyev A.A. BUXORO AMIRLIGINING XVIII- XIX ASRLARDA TASHQI SAVDOSI VA DIPLOMATIK ALOQALARI HAQIDA AYRIM MA'LUMOTLAR.....	198
24. Ботиров Э. МУҒУЛЛАРДАН ТЕМУРИЙЛАРГАЧА: БОЖХОНА ВА БОЖ СОЛИҚЛАРИ ТАРИХИДАН.....	208
25. Валихонова Г. К. РУС САЙЁҲЛАРИ ВА ҲАРБИЙЛАРИНИНГ ШАРҚИЙ ТУРКИСТОНДАГИ ВАЗИЯТГА МУНОСАБАТЛАРИ.....	214
26. Ганиева Ч.Х. МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИДА МАДАНИЙ-ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	220
27. Давлатова Ш. АМИР ТЕМУР ДАВРИ ТАРИХИ ҲАҚИДАГИ МАНБА.....	227
28. Ёдгоров З.Ш. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ.....	233
29. Жахонов Т. ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯ КУШОНЛАР ШАҲАРСОЗЛИГИНИ ЎРГАНИЛИШИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ (XX аср 70-йилларига қадар).....	239
30. Жўраев А. ЁЗМА МАНБАЛАРДА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ.....	244
31. Zupunova G. ONALIK MAROSIMI: TOSHKENT TATARLARINING QARASHLARI VA E'TIQODLARI.....	249
32. Инатов М.Н. XX АСР 20-ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	261
33. Кариева Н.А. РОССИЯ ИМПЕРАТОРЛИГИ ЖАМИЯТИ АЪЗОСИ Н.А.СЕВЕРЦОВНИНГ ТУРКИСТОН ҲУДУДИДА ОЛИБ БОРГАН ФАОЛИЯТИ МАСАЛАСИГА ДОИР.....	269

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


34.Канимкулов О.Ш. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХ ҲАМДА АРХЕОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯҲЁ ФУЛОМОВ ХИЗМАТЛАРИ.....	278
35.Камолов Ж.М. ЭФТАЛИТЛАР ДАВРИ ШАҲАРСОЗЛИГИ.....	286
36.Курязова Д. ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АРХЕОЛОГИК ОБЪЕКТЛАР ВА УЛАРНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШ ЙЎЛИ БИЛАН САҚЛАБ ҚОЛИШ МАСАЛАЛАРИ....	292
37.Қурбонов Ф.Н., Шоев И.Х. БУХОРО ДАВЛАТ МУЗЕЙ - КЎРИҚХОНАСИ ЖАМЛАНМАСИДАГИ ИСЛОМДАН ОЛДИНГИ ДАВРГА ОИД ТАНГАЛАР ВА ТАНГА ХАЗИНАЛАРИ (НУМИЗМАТИК ТАҲЛИЛ).....	299
38.Исматова Н.К. ЯНГИЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОНДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР (1989-2020 йиллар).....	307
39.Исматуллаев Ф.О. ЎЗБЕКИСТОН ВА ЛАТВИЯ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	319
40.Кадирова М.Т. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ УСМОНИЙЛАР ИМПЕРИЯСИ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИРИ.....	329
41.Каромов Ф.Ҳ. ТУРКИСТОНДА ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ.....	334
42.Мажидов Ш.Ф. МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ЭТНОСИЁСИЙ ЖИҲАТЛАРИ: ЕИ ТАЖРИБАСИ (2000-ЙИЛЛАР БОШИ).....	340
43.Мамадаминова Б. ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР.....	345
44.Mattiyev O'.B. TURKISTONDAGI AFG'ON MUHOJIRLARI FAOLIYATINING GENERAL GUBERNATORLIK DAVRI HUIJATLARIDA YORITILISHI.....	353

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Кариева Нигора Анваровна,
ЎзР ФА Тарих институти PhD докторанти
n.karieva@list.ru

РОССИЯ ИМПЕРАТОРЛИГИ ЖАМИЯТИ АЪЗОСИ Н.А.СЕВЕРЦОВНИНГ ТУРКИСТОН ҲУДУДИДА ОЛИБ БОРГАН ФАОЛИЯТИ МАСАЛАСИГА ДОИР

For citation: Karieva Nigora Anvarovna. ON THE ACTIVITY OF A MEMBER OF THE RUSSIAN IMPERIAL GEOGRAPHICAL SOCIETY N. A. SEVERTSOV IN TURKESTAN. Look to the past. 2020, SI, pp. 269-277

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-33>

АННОТАЦИЯ

Мақолада машҳур рус табиатшуноси Н.А.Северцовнинг XIX иккинчи ярмида фан тараққиётига қўшган ҳиссаси, унинг Туркистондаги илмий фаолият ёритилади. Муаллиф Н.А.Северцов томонидан Туркистон ўлкасининг табиий шароитларини тадқиқ этиш билан бир қаторда, Россия империяси ҳукумати кўрсатмаларига биноан минтақада махсус фаолият борилганлигини асослаган. Мақолада илмий муомалага киритилмаган янги архив ҳужжатлар асосида Н.А.Северцовнинг ўлкада олиб борган ишлари ҳусусида мазмуний таҳлил асосида маълумотлар қайд этилган.

Калит сўзлар: Россия императорлиги география жамияти, геология, зоология, Туркистон ҳарбий юриши, илмий экспедиция, давлат маслаҳатчиси, махсус топшириқлар бўйича мутахассис, маърифатли генерал-губернатор

Кариева Нигора Анваровна,
Докторант PhD институти Истории АН РУз
n.karieva@list.ru

К ВОПРОСУ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЧЛЕНА РУССКОГО ИМПЕРАТОРСКОГО ГЕОГРАФИЧЕСКОГО ОБЩЕСТВА Н.А.СЕВЕРЦОВА НА ТЕРРИТОРИИ ТУРКЕСТАНА

АННОТАЦИЯ

В статье описывается вклад в развитие науки и деятельность на территории

Туркестана известного российского естествоиспытателя Н.А.Северцова. Автор обосновывает, что Н.А.Северцов кроме исследований естественных условий региона, вёл деятельность и в качестве специалиста особых поручений. На основе контента-анализа новых, ещё не введённых в научный оборот архивных материалов отмечается настоящая работа проведённая Н.А.Северцовым в крае.

Ключевые слова: Императорское русское географическое общество, зоология, Туркестанский военный поход, научная экспедиция, статский советник, специалист по особым поручениям, "просвещённый генерал-губернатор"

Karieva Nigora Anvarovna,
Doctoral candidate PhD Institute of History,
Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan
n.karieva@list.ru

ON THE ACTIVITY OF A MEMBER OF THE RUSSIAN IMPERIAL GEOGRAPHICAL SOCIETY N. A. SEVERTSOV IN TURKESTAN

ABSTRACT

The article describes the contribution to the development of science and activities in the territory of Turkestan of the famous Russian natural scientist N. A. Severtsov. The author substantiates that N.A.Severtsov, in addition to studying the natural conditions of the region, conducted activities as a specialist in special assignments. Based on the content analysis of new archival materials that have not yet been put into scientific circulation, the real work carried out by N. A. Severtsov in the region is noted.

Index terms: Imperial Russian Geographical Society, zoology, Turkestan military campaign, scientific expedition, state adviser, special assignment specialist, "enlightened governor-general".

Долзарблиги. Тарихдан маълумки, XIX асрда Россия империясида илғор давом этаётган иқтисодий тараққиёт натижасида мамлакатда ички савдонинг илғорлик билан кенгайиб бориш жараёни Ўрта Осиё хонликлари билан ташқи иқтисодий ва сиёсий алоқаларнинг ўрнатилишга туртки бўлган. Ушбу дарвга келиб минтақанинг табиий бойликлари, иқтисодий ресурслари, унинг чегаралари, ички ва ташқи сиёсати ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш мақсадида Россия империяси ҳукуматининг Ташқи ишлар вазирлиги, Ҳарбий ишлар вазирлиги ва Фанлар академияси ҳамкорликда иш олиб борган ҳолда турли экспедиция ва саёҳатчиларни юборишга ташаббускорлик қилган. XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон хонлигини ўрганиш бўйича дастлабки Россия империяси ҳукуматинининг уринишларимазкур ҳудудга юборилган саёҳатчилар Ф.Назаров (1813-1814 йй) ва Н.Потанин (1829-1830 йй) фаолиятида кузатиш мумкин. Бироқ уларнинг сафарномаларида берилган табиий шароитлар, шаҳарлар, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаёт бўйича кузатувлар асосида берилган маълумотлар содда ва тарқоқ усулда ёритилган бўлиб, муайян тизимли характерга эга бўлмаган. Қолаверса, бу даврдаги изланишлар асосан дипломатик миссиялар ёки яқка тартибда амалга оширилган, дастлабки тадқиқотчилар эса мазкур миссиялар ёки Россиядан юборилган савдо қарвонлари таркибида Ўрта Осиё хонликлари ҳудудига кириб келган ҳолда фаолият олиб борган эди. Бу ҳолат ҳам бевосита минтақада чуқур

изланишлар олиб борилиши имкониятларига тўсқинлик қилган.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса вазият буткул ўзгарган, бунга эса қатор омиллар ўз таъсир кўрсатган эди. Уларнинг энг асосийларидан бири, бу даврга келиб Россия империясининг ўзида география фанининг тараққий эта бошлаганида эди. Бунда бевосита Россиянинг ўша даврдаги илғор тадқиқотчиларининг хиссалари муҳим аҳамиятга эга бўлган. Уларнинг қаторига П.П.Семёнов, А.П.Федченко, Н.А.Северцов ва бошқаларни киритиш мумкин. Бундан ташқари, 1845 йилда император Николай I нинг ўғли князь Константин Николаевич ва унинг устози адмирал Ф.П.Литкенинг ташаббуси билан ташкил этилган Россияда ташкил этилган Россия императорлиги география жамиятининг фаолияти ҳам география фанининг тараққиётига ўз таъсирини кўрсатган. XIX асрнинг биринчи ярмида Марказий Осиё ҳудудида изланишлар олиб боришда асосан Россия империясининг Ташқи ишлар вазирлиги, Ҳарбий вазирлик ва Фанлар Академияси ташаббус кўрсатган бўлса, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб уларнинг қаторига Россия императорлиги география жамияти қўшилган. Албатта, ушбу ташкилотлар ўзаро ҳамкорликда иш олиб борганлигини қайд этиб ўтиш лозим.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Россия императорлиги география жамиятининг фаолияти борасидаги илмий асар ва манбалар Фанлар Академиясининг асосий кутубхонаси, Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Шарқ қўлёмалари маркази, А.Навоий номидаги Миллий кутубхона, Республика архив жамғармаларида сақланмоқда. Мазкур тадқиқотлар Ватан тарихшунослигида ва хорижий адабиётларда ҳозирга қадар махсус тадқиқ этилмаган.

Бу манбалар орасида XIX-XX аср бошларида тадқиқотчилар томонидан Туркистон ўлкасининг география йўналишида олиб борилган илмий ишлари Ватан тарихини ўрганиш учун гоаят муҳим ҳисобланади.

Мавзуга оид тадқиқотларни шартли равишда бир қанча даврларга бўлиш мумкин: Биринчи давр. XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошлари. Туркистон географиясига оид материаллар бу давр тадқиқотларида муаллифлар томонидан яратилган адабиётлар, тўпламлар, асарлар ва даврий матбуот материалларида [1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12] намоён бўлади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида яратилган бундай илмий асарлар қаторига таниқли географ олим Семёнов П.П.нинг "История полувековой деятельности Императорского географического общества" асарини киритиш мумкин. Ушбу илмий адабиётда Россия императорлиги географик жамиятининг 50 йиллик тарихи ёритилган. Асарда асосан Россия империясининг даслабки географик жамиятларининг фаолиятлари билан бирга Россия географик жамиятининг Туркистон бўлими ҳақида маълумотлар келтирилган. Бироқ, асарнинг даврий чегараси 1845 - 1895 йиллар бўлиб, Ўзбекистон ҳудудига амалга оширилган илмий экспедицияларнинг натижалари илмий нуқтаи назардан таҳлил қилинмаган.

XIX-XX аср бошларидаги ўлканинг географиясини ўрганиш бўйича тадқиқотлар орасида географ-олим Северцов Н.А.нинг "Путешествие по Туркестанскому краю" асари ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Асарда Северцов Н.А.нинг 1873 йилда Туркистон ҳудудига қилган саёҳати ёритилган бўлиб, унда муаллиф саёҳат жараёни, ўз кузатувлари, таасуротлари ва хотираларини тавсифлаб берган. Асарда XIX асрнинг охирида Туркистон ўлкаси, хусусан Қўқон хонлигининг тарихи, географик ҳолати ва аҳолиси ҳақида маълумотлар мавжуд.

Бундай илмий адабиётлар қаторига тупроқшунос олим Миддендорф А.Ф.нинг "Очерки Ферганской долины", машҳур географ Семёнов П.П.нинг "Путешествие в Тянь-Шань", саёҳатчи Хорошхин А.нинг "Сборник материалов, касающихся Туркестанского края", Игнатъев Н.П.нинг "Миссия в Хиву и Бухару" Наливкин В.нинг "Опыт исследования песков Ферганской области", "Краткая история Кокандского ханства", "Очерк быта женщин оседлого туземного населения Ферганы асари" ва бошқа асар ва рисолаларни киритиш мумкин.

Бундан ташқари, XIX асрнинг охири - XX аср бошларига оид даврий матбуот материалларида ўша давр тадқиқотчиларининг Туркистон географиясини ўрганиш билан боғлиқ мақолалари мазкур масалани ўрганиш учун муҳим аҳамият касб этади. Бундай материалларга қаторига "Туркестанские ведомости" [13], "Отчёты Императорского Географического общества", "Туркистон вилояти газетаси", "Военный сборник", "Русское обозрение", "Инженерный журнал" кабилар кирди.

Маълумки, XIX асрнинг охири - XX аср бошларида Туркистон ўлкасини тадқиқ этиш ва чуқур ўрганиш мақсадида Россия ҳукумати томонидан бир қанча илмий тўпламлар нашр қилинган. Бунга мисол қилиб "Туркестанский сборник", "Известия географического общества", "Сборник материалов по мусульманству", "Записки Русского географического общества по общей географии" каби илмий тўпламларни кўрсатиб ўтиш лозим. Бундай нашрларда географияга оид мақолалар ва материалларнинг сони кўп бўлиб, уларнинг чуқур тадқиқ этилиши мазкур муаммони кенг ёритишда катта ёрдам беради.

"XIX аср - XX аср Ўзбекистон ҳудудида географик тадқиқотлар" мавзусини ёритишда ўша даврга оид статистик тўпламлар [14] ва турли хужжатлар ҳам ўзига хос ўринни эгаллайди.

Юқорида қайд этилган барча материаллар ҳозирги давргача муайян тизимлаштирилмаган бўлиб, илмий жиҳатдан таҳлил этилмаган.

Иккинчи давр - совет ҳокимияти даври илмий адабиётлар орасида Лунин Б.В.нинг "Научные общества Туркестана и их прогрессивная деятельность. Конец XIX - начало XX в" номли асари Ўзбекистон ҳудудида географик тадқиқотларни ўрганиш учун муҳим илмий адабиётлардан бири ҳисобланади. Унда Туркистон ҳудудидаги илк илмий жамиятларнинг фаолияти бўйича умумий маълумотлар жамланган бўлиб, уларда географик жамиятларнинг XIX асрнинг охири - XX аср бошларидаги умумий фаолияти тавсифланган.

Азатьян А.А.нинг 1969 йилда чоп этилган "История открытия и исследования Советской Азии" номли илмий асари муаммони ўрганишда ўзига хос аҳамиятга эга. Асарда Марказий Осиё, ҳусусан Ўзбекистон ҳудудидаги географик кашфиёт ва тадқиқотларнинг тарихига оид маълумотлар берилган. Асарда келтирилган ушбу маълумотлар умумий характерга эга бўлиб, Ўзбекистон ҳудуди бўйича олиб борилган тадқиқотлар алоҳида таҳлил этилмаган. Бундан ташқари, ушбу илмий адабиётнинг совет ҳокимияти даври мафқурасининг таъсирида нашр этилганини қайд этиш лозим.

Иккинчи даврга оид илмий адабиётлар қаторига "Обзор русских путешествий и экспедиций в Среднюю Азию" тўпламлар сериясини ҳам киритиш ҳам мумкин. Тўплам Ўрта Осиё Давлат университети нашриёти томонидан тузувчи Маслова О.В.нинг таҳрири остида 1955 йилдан - 1971 йилга қадар чоп этилган. Ушбу тўпламда 1715 йилдан бошлаб 1886 йилга қадар Марказий Осиё ҳудудига амалга оширилган рус саёҳатлари ва экспедицияларнинг йўналишлари, уларнинг натижалари ва тарихи бўйича материаллар хронологик тарзда ёритилган. Ушбу

маълумотлар ҳам умумий характерга эга бўлиб, Туркистонга оид географик тадқиқотлар алоҳида тизимлаштирилиб ва батафсил очиб берилмаган.

Тадқиқотчи Берг Л.С. томонидан яратилган "Очерки по истории русского географического общества" илмий адабиёт 1946 йилда чоп этилган бўлиб тадқиқотда қўйилган масалани очиб беришда ёрдам беради. Чунки ушбу адабиётда Рус географик жамиятининг фаолияти ҳақида маълумотлар келтирилган.

Юқорида кўрсатилган адабиётлар орасида Лебедев Д.М., ва Есаков В.А.лар муаллифлигида 1971 йилда яратилган "Русские географические открытия и исследования с древних времён до 1917 года" асар ҳам масалани ёритишда асосий адабиётлардан бири бўлиб хизмат қилади. Асарда энг қадимги даврдан 1917 йилга қадар Россия географлари томонидан амалга оширилган кашфиётларнинг қисқача тарихи ёритилган. Шу билан бир қаторда Россия тадқиқотчиларининг Марказий Осиё худудидаги дастлабки кашфиётларидан бошлаб 1917 йилгача олиб борилган географик тадқиқотлар тарихи қисман ёритилган. Совет даври нашр этилган даврий нашриётларда ҳам мазкур масалага оид илмий мақолалар мавжуд. Уларнинг орасида "Ўзбекистонда ижтимоий фанлар" журнали алоҳида ўринга эга.

Бироқ, совет давридаги адабиётларда мафкуравий талабларнинг натижасида географик билимларнинг ривожланиш даражасига ҳолис баҳо берилмади. Бу даврларда география билимларга оид маҳаллий муаллифлар томонидан яратилган тадқиқотлар эътибордан четда қолдирилди ёки умуман ёритилмади.

Учинчи давр тадқиқотларига 1990 йиллардан бошлаб ҳозирги кунгача бўлган даврга оид илмий тадқиқотлар киради. Ушбу тадқиқотларда 19 аснинг иккинчи ярми - 20 аср бошларидаги Туркистон географиясини ўрганган олимлар, тадқиқотчилар ҳақида умумий маълумотлар мавжуд. Шунингдек, айна даврда Туркистоннинг сиёсий аҳволи, иқтисодий ҳаёти, ижтимоий ҳолати, аҳолисининг таркиби ва турмуш-тарзи, маданияти ва бошқа соҳаларга оид илмий тадқиқотлар ҳам яратилган. Бироқ, уларда Туркистондаги географик тадқиқотларнинг 19 аснинг иккинчи ярми - 20 аср бошларидаги ҳолати ва уларнинг мазмуни алоҳида тадқиқот объекти сифатида белгиланмаган. Бундан ташқари бу давр тадқиқотларига Россиянинг ва МДХ мамлакатлари изланувчиларининг тадқиқотларида ўз аскини топган. Уларнинг қаторига М.К.Басханов, А.Колесников, Р.Ю.Почекав, В.Дубовицкийларнинг киритиш мумкин.

Юқорида қайд этилган асар ва манбаларда Россия императорлиги география жамияти фаолиятининг муайян жиҳатлари ёритилган, бироқ Н.А.Северцовнинг илмий фаолияти, унинг сиёсий мавқеи борасидаги янги маълумотлар акс этмаган.

Тадқиқотни амалга оширишда қиёсий таҳлил, мазмуний таҳлил (контент) усуллари кенг фойдаланилди.

3.Тадқиқот натижалари:

Россия география жамиятининг Марказий Осиёдаги дастлабки илмий изланишлари 1856-1857 йиллардан, П.П.Семёновнинг Тянь-Шан тоғларида (бу даврда бу худудлар Қўқон хонлиги худудлари эди) олиб борган тадқиқотлари даврдан бошланган эди. Деярли бир вақтнинг ўзида, 1857-1858 йилларда Россия Фанлар Академияси ва Россия география жамияти томонидан Хива хонлиги ва Бухоро хонлиги худудларига полковник А.Игнатъев бошчилигида экспедицияни [15] ташкил этган.Ушбу экспедиция таркибида жамият аъзолари Н.А.Северцов, И.Г.Боршов ва шарқшунос П.И.Лерхбўлган эди. Ҳарбий вазирлик томонидан табиатшунослар Н.А.Северцов ва И.Г.Боршов олдида қўйилган асосий вазифаларга минтақанинг табиий шароитлари бўйича кузатувлар олиб оришва машҳур немис

географи А.Гумбольдтнинг Ўрта Осиё иқлими борасидаги назариясини илмий асослаш кирган [16] бўлса, шарқ тиллари мутахассиси П.И.Лерхнинг вазифаси маҳаллий аҳолининг турмуш-тарзи, машғулоти, хусусиятлари (хаттоки одамлар орасида тарқалаётган овозалар ва миш-мишлар) ўрганишдан иборат эди [17]. Илмий экспедиция натижасида Н.А.Северцов Туркистон чегараларида жойлашган Устюрт тоғларининг шимолий, Муғожар тоғларининг ўрта қисмлари вабаландликларини аниқлаган. Ушбу кузатувларнинг асосида у тоғлардаги табиий ўзгаришлар минтақа иқлимига таъсир кўрсатишини исботлаган [1]. Бундан ташқари, Северцов Орол денгизининг "пасайиши" ва вақт ўтиши билан қуриб бориши эҳтимоли мавжудлигини таъкидлаган. Ушбу экспедиция изланишларининг энг қизиқ натижаларидан бири - Оролбўйи ҳудудларида иш олиб борган тадқиқотчилар томонидан Турон[18] минтақаси бир пайтлари қуриб қолган денгиз ўрнида вужудга келган, Орол ва Каспий денгизлари эса ягона катта денгизнинг қолдиқларидир, шу боис улар ҳам вақти келиб қуриб бориши аниқ[18] деган илғор хулосани олға сурилганлигида эди.

Маълумки, Николай Алексеевич Северцов Марказий Осиё, хусусан Туркистон ҳудудида энг узоқ (28 йил) фаолият олиб борган Россия география жамиятининг аъзоларидан бири ҳисобланади. У 1827 йилнинг Воронеж губерниясида туғилган, 1843-1850 йилларда Москва университетиде таҳсил олган, 1855 йилда эса зоология фани бўйича магистрлик ишини ҳимоя қилган эди.

1857-1858 йилларда амалга оширилган экспедиция жараёнида Қўқон хонлигининг Н.А.Северцов Сирдарё ва Қувондарё хавзалари, Мирзачўл ҳудудларида ҳам зоологик, ботаник ва геологик изланишларни олиб борди. 1858 йилда у Қоратоғ ҳудудларида илмий кузатувлар олиб бориш жараёнида Қўқон аскарлари томонидан қўлга олиниб, Туркистон шаҳрига асирликка борилган, бир ойдан сўнг эса Сирдарё ҳарбий қисмининг бошлиғи генерал Данзас томонидан [19,1] озод этилган ва шу йилнинг ўзида ватанига қайтган.

1860 йилда Н.А.Северцов Уралда янги казак қўшинини ташкил этиш бўйича Кенгаш аъзоси сифатида иш олиб борган ва бир вақтнинг ўзида Урал хайвонот оламини ўрганиш бўйича кузатувлар олиб борган, ушбу ҳудудда балиқчилик соҳасини ривожлантирилишига катта хисса қўшган эди.

Н.А.Северцовни Туркистон ҳудудидаги кейинги изланишларини 1864 йилдан бошлаб яна давом эттирган эди. Ушбу изланишларни у генерал Черняев бошчилигидаги Тошкент ҳарбий экспедициясида иштирок этган ҳолда амалга оширган, Тошкент шаҳри эгаллангач эса, у Туркистон ўлкаси бўлаб ўз кузатувлари географиясини янада кенгайтириш имкониятини қўлга киритган эди. Н.А.Северцов томонидан Туркистон ҳудудида изланишларнинг давом эттиришида Россия империясининг Ҳарбий вазирлиги ҳам манфаатдор бўлганлигини қайд этиш лозим.

Туркистон илмий экспедицияси номи билан машҳур бўлган мазкур изланишларнинг асосий ташаббускори Рус география жамияти эди. Туркистон илмий экспедицияси натижасида Тяншан тоғлари бўйича оҳирги илмий хулосалар - вулқонсимон хусусиятга эга эмаслиги берилган. Шунингдек, минтақа ҳудудларида янги сув хавзалари кашф этилган, Жунғор Олатоғи, Қоратоғ тизмаларининг Тяншан тоғларига алоқадорлиги аниқланган, дастлабки геологик харита яратилган, Қоратоғ ҳудудларида кўмир конлари, Чимкентнинг тоғли ҳудудларида мис ва туз конлари топилган ҳамда Туркистон ҳудуди бўйича янги зоологик, ботаник ва геологик тўпламлар яратилган эди.

Н.А.Северцов ўз асарида Туркистон экспедицияни амалга оширишда

Туркистонда ўрнатилган рус ҳукумати, Ҳарбий вазирлик ва Рус география жамиятининг ёрдами ҳусусида қайд этган: "1864 йилнинг бошида ҳукумат Сирдарё ва Олатоғ атрофидаги Қўқон мулкининг чегараларини Рус география жамияти ташаббуси билан ташкил этилган и эгаллаш учун руҳсат берди. Бунинг учун генерал Черняев Олатоғ округи томондан Авлиёотани эгаллаши ва Туркистон шаҳрига йўл олиши лозим эди..."

Бундан ҳабар топгач, мен Фарбий Тяншанни кўриб чиқиш учун генерал Черняевдан унинг ҳарбий сафарларида менинг иштирок этишимга ижозат беришини сўрадим... Мен Ҳарбий Вазирлик томонидан махсус режа, маълум молиявий маблағ ва География жамиятидан 500 рубль миқдоридаги пул билан таъминланган ҳолда илмий иш олиб бориш мақсадида сафарни бошладим... Зоологик тўпланиш йиғиш учун муҳандис ёлладим, март ойининг иккинчи ярмида Петербургдан йўлга чиқдим..." [1] Муаллифнинг ушбу фикрларидан хулоса қилиш мумкинки, мазкур экспедицияни ташкил этишда нафақат Россиянинг фан соҳаси балки ҳукумат, Ҳарбий вазирлиги ҳам муайян даражада манфаатдор бўлган. Бундан ташқари, 1864 йилда сафарга юборилган Туркистон экспедициясининг ассий мақсадларидан бири, Туркистон ўлкаси ҳудудида жойлашган ер ости ва ер усти қазилма бойликлари, ҳусусан олтин конларини аниқлашдан иборат бўлганлигини қайд этиш жоиз. Бу борада Н.А.Северцовнинг ўзи шундай ёзган эди: "Ушбу сафарнинг асосий мақсади 1864 йилда амалга оширган саёҳатимда маҳаллий аҳоли вакили қирғиз миллатига мансуб Чемир авлодидан бўлган Тўғрикелди бийнинг берган маълумотларидан келиб чиққан ҳолда олтин конларини топиш эди. Унинг берган маълумотлари хонликда тарқалган олтин конлари ҳусусидаги гап-сўзлар каби аниқ эмас эди. Унинг кўрсатма беришича Талас ва Чирчиқ дарёларининг оқими бўйлаб 200-300 верста атрофидаги ҳудудларидан қидирмоқ даркор эди. Бироқ унинг берган маълумотлари тўғри чиқди бу кўрсатмалар Қоратоғ тоғ тизмасига кириш қисмидаги Куркура дарёси ҳудудига тўғри келаётган эди. Олтин кам миқдорда бўлса ҳам топилди, 2 аршин чуқурликда олтин тозаланган..." [1]

Туркистонда олиб борган изланишлари учун Москва давлат университети Н.А.Северцовга зоология фанлари доктори унвонини, Рус географик жамияти эса олтин медални тақдим этди [20]. Қайд этиб ўтиш лозимки Н.А.Северцовнинг Фарғона водийсида олиб борган тадқиқот натижалари акс эттирилган "Путешествия по Туркестанскому краю" асари А.П.Федченко, М.В.Наливкин, В.Ф.Ошанин каби Фарғона водийсида изланишлар олиб борган машҳур тадқиқотчилар учун қўлланма сифатида ҳизмат қилган.

Н.А.Северцовнинг илмий фаолиятини ўрганаётганда бу соҳадаги улкан ютуқлари, кашфиётларини эътироф этмасликни иложи йўқ. Таниқли рус табиатшуноснинг Россия империяси ҳукумати учун қилган ҳизматлари борасида эса бир қанча саволлар туғилиши мумкин. 1864 йил Н.А.Северцов ўз асарида генерал Черняев (ўша пайтда полковник) бошчилигида Туркистонга амалга оширажак ҳарбий юришда иштироки борасида қайд этиб ўтган. Бу масала оид архив ҳужжатларда унинг ушбу ташаббуси Ҳарбий вазирликни бефарқ қолдирмаганлигини кузатиш мумкин. 18564 йилнинг февраль ойида (йилнинг бошларида) Ҳарбий вазир Милютиннинг Сибирь корпуси командирига юборган хати бунга далил бўла олади. Хатда зоология магистри Н.А.Северцов учун барча шарт-шароитлар, хавфсизлик ва молиявий маблағ билан таъминлашини сўраган эди [21].

Россия императорлиги география жамиятида 20 йил вице-раис лавозимида фаолият олиб борган П.П.Семёнов-Тяншанскийнинг жамият фаолияти тарихига бағишланган машҳур асарида [22] Н.А.Северцов География жамияти томонидан Черняевнинг Туркистонга ҳарбий юришидан фойдаланган ҳолда, Н.А.Северцов иштирокини Ҳарбий вазирликка тавсия этилгани қайд этилган, бироқ баъзи ҳужжатларда бунинг аксини - уни Туркистон юришида илмий изланишлар олиб бориш учун география жамияти эмас, балки Ҳарбий вазирлик тавсия қилганини ҳам кўриш мумкин[23]. Қораверса, Ҳарбий вазирликнинг Туркистондаги ҳарбий бўлинмалари орасидаги ёзишмаларда Н.А.Северцовга алоҳида кўрсатма-топшириқлар топширилганлиги, хусусан у томонидан "ўлканинг ишлаб чиқарувчи воситаларига алоҳида аҳамият бериши" ҳақида қайд этилган[24].

Юқоридагилардан ташқари, Россия империяси ҳукумати Н.А.Северцовнинг илмий фаолиятига алоҳида эътибор берганлигини Ўзбекистон Миллий архивининг қатор ҳужжатларида ҳам кузатиш мумкин. 1867 йилда Туркистонда генерал-губернаторликнинг ўрнатилиши билан Н.А.Северцовнинг изланишлари янада фаоллашган [25]. Бунда бевосита дастлабки генерал-губернатор К.П. фон Кауфман фаолиятининг ўрни ғоят катта. Ўша даврда Россияда "маърифатли генерал-губернатор"[26] номи билан машҳур бўлган К.П.фон Кауфман Н.А.Северцовнинг илмий изланишларини самарали олиб бориш учун барча имкониятларни яратиб берган. К.П.фон Кауфманнинг Ҳарбий вазирликка юборган тавсия-хатларида тадқиқотчини ҳар томонлама қўллаб қувватлаганлигини кузатиш мумкин. Мисол учун, Н.А.Северцов учун экспедицияларни ташкил этиш, турли нашрларини чоп этириш мақсадида Ҳарбий вазирликдан молиявий маблағлар ажратиш учун розилик сўралган[27], вазирликнинг кўрсатмаси билан эса ушбу пуллар Фарғона ҳарбий губернаторининг молиявий тушумларидан ажратилган [28]. Бундан ташқари ҳужжатларда Н.А.Северцовнинг генерал-губернатор К.П.фон Кауфман томонидан махсус топшириқлар бўйича бош мутахассис лавозимида қўйилганлиги, унга бутун умри давомида нафақа билан таъминланганлигини ҳам кўриш мумкин. Генерал-губернаторлик ва Россия империяси ҳукумати орасидаги қатор ёзишмаларда Н.А.Северцовнинг давлат маслаҳатчиси сифатида фаолият олиб борганлиги қайд этилган.

4. Хулосалар:

- Турли манбалар, архив ҳужжатларининг ўрганиш жараёнида Туркистон ўлкасида олиб борилган географик изланишларнинг Россия империяси учун "олтин даври" 1864-1882 йилларга тўғри келганлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин.

- Ушбу давр Туркистонда генерал-губернатор К.П.фон Кауфманнинг фаолияти билан бевосита боғлиқ, тоғ муҳандиси мутахассислига эга бўлган К.П.фон Кауфман Россия императори Николай II ғоят ишонч доирасида бўлган эди. Н.А.Северцов эса К.П.Кауфманнинг энг ишонган маслаҳатчиси ва ходими бўлган эди.

- Н.А.Северцовнинг Туркистон ҳудудида олиб борган тадқиқотлари ва изланишларининг илмий аҳамияти ўзига хос ўринга эга эканлигини эътироф этишдан ташқари, унинг сиёсий фаолияти ҳам алоҳида тадқиқот объекти бўла олиши мумкинлигини қайд этмоқ лозим.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Severtsov N.A. Traveling in Turkestan region. 1873;

2. Grigoriev. V.V. Russia and Asia. (A collection of history, ethnography and geography.SP.1876; Galkin M.M. Ethnographic and historical materials on Central Asia and the Orenburg Territory. SP. 1868 .;
3. Semenov P.P. Travel to the Tien Shan in 1856-1857 M. OGIZ. 1948 .;
4. Veselovsky NI Veselovskiy NI VasilyVasilievichGrigoriev according to his letters and works. 72.1880
5. Nalivkin V. Experience in the study of sand in the Ferghana region: historical literature. New Margelan: Printed. Ferghana regional government, 1887. - 229 p.;
6. Bulletin of the Imperial Russian Geographical Society. SP.1860 .; Notes of the Russian Geographical Society on General Geography. T xiii. 1886;
7. Middendorf A.F. Essays on the Ferghana Valley. Joint venture 1881; Semenov P.P. The history of half a century of activity of the Imperial Geographical Society. SP. 1896. T 1-3;
8. Khoroshkhin. Collection of articles relating to the Turkestan region. 1876;
9. Ignatiev N.P. The mission to Khiva and Bukhara in 1858, the wing of the Adjutant Colonel Ignatiev N.P. SPb 1897. B-278.
10. Middendorf A.F. Essays on the Ferghana Valley. Joint venture 1881
11. Semenov P.P. The history of half a century of activity of the Imperial Geographical Society. SP. 1896. T 1-3
12. Khoroshkhin. Collection of articles relating to the Turkestan region. 1876
13. Farming Essays in Namangan County. Turkestan statements. 1880. No. 11,13,15,18-21,24,25, 27-29; Issues of indigenous agriculture. Turkestan statements. 1880. No. 33-34; Notes on forestry issues in Ferghana. Turkestan statements. 1883. No. 16-20; Kyrgyzstan Namangan County. Turkestan Gazette. 1881. No. 20-21; A sketch of the life of women in the settled native population of Ferghana. Kazan. 1886. B-245 .; A statistical essay on the village of Nanai. Proceedings of the Syrdarya region Statistical Committee in 1887-1888 Tashkent. 1888;
14. Proceedings of the Syrdarya region Statistical Committee in 1887-1888 Tashkent. 1888; Collection of materials for statistics of the Samarkand region; Turkestan literary collection in favor of lepers. SPb. 1900
15. National Archive of UzbekistanI-715-fund, case-20, sheet 130
16. Zolotnitskaya R.N.A. Severtsov. M.: - Science, 1965, page-37
17. National Archive of UzbekistanI-715-fund, case-19, sheet 110
18. Lebedev D.M. ,Yesakov V.A. Russian geographical discoveries and studies from ancient times until 1917. M. 1971. p-425
19. National Archive of Uzbekistan715-fund, case-20, sheet 629
20. Overview of Russian travels and expeditions to Central Asia. Part 2.T.1955. T: - SAGU. 1956.
21. National Archive of Uzbekistan715-fund, case-27, sheet 94
22. National Archive of Uzbekistan715-fund, case-27, sheet 98
23. National Archive of Uzbekistan715-fund, case-27, sheet 101
24. Semenov-Tyanshansky P.P. The history of half a century of activity of the imperial Russian Geographical Society 1845-1895. Ch-1. SPb. 1896. p-285
25. National Archive of Uzbekistan1-fund, inventory-32, case-460
26. National Archive of Uzbekistan1-fund, inventory-32, case-452
27. National Archive of Uzbekistan1-fund, inventory-32, case-460, sheet 1,2,5
28. National Archive of Uzbekistan1-fund, inventory-32, case-460, sheet 16,23
29. National Archive of Uzbekistan1-fund, inventory-32, case-452

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000